

**PhD, доцент Динара Абдикаримова**

*Тошкент молия институти*

## **ЗАМОНАВИЙ ГАРОВ МЕХАНИЗМИНИНГ ЭМПИРИК ТАҲЛИЛИ**

**Аннотация.** Мазкур мақолада гаров механизмининг эмпирик таҳлилини ўрганиш жараёнида гаров таъминотининг назарий асослари ва унинг амал қилиш механизми бўйича турли тадқиқотчиларнинг ёндашувлари акс эттирилган. Замонавий гаров механизмининг эмпирик таҳлилини амалга оширишда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари ўртасида амалга оширилган сўровномалар асос қилиб олинган. Амалга оширилган тадқиқотлар натижасида гаров механизмининг эмпирик таҳлили бўйича тегишли илмий хулосалар шакллантирилган.

**Калит сўзлар:** гаров, гаров механизми, кредит, тижорат банклари, таъминланган кредит, IRB методи.

## **EMPIRICAL ANALYSIS OF THE MODERN COLLATERAL MECHANISM**

**Abstract.** In this article, the approaches of various researchers on the theoretical foundations and mechanisms of the collateral are reflected in the process of studying the empirical analysis of the collateral mechanism. Empirical analysis of the modern collateral mechanism are based on surveys conducted among commercial banks operating in Uzbekistan. As a result of the conducted research, appropriate scientific conclusions are formed on the empirical analysis of the collateral mechanism.

**Keywords:** collateral, collateral mechanism, credit, commercial banks, secured credit, IRB method.

### **Кириш**

Бозор муносабатларининг характерли жиҳати шундаки, бунда банкларга турли хил иқтисодий ва молиявий кўрсаткичларни янада аниқроқ прогноз қилиш учун доимий уринишларда намоён бўладиган самарали рискларни бошқариш тизимини яратиш лозим бўлади. Қулай бозор муҳити мавжуд бўлган усулларнинг юқори сифатли иши ҳақида тасаввур ҳосил қилади, аксарият ҳолларда бу инерциал жараёнларга асосланган яхши ишлайдиган алгоритмдир. Ҳозирги молиявий-иқтисодий ҳолат прогнозлаш

ва хатарларни бошқариш усулларининг Ўзбекистон банк амалиётида мавжуд бўлган камчиликларини аниқлади. Шундай қилиб, маҳаллий банк тизимининг янада барқарор ишлаши учун таҳдидларни ўз вақтида аниқлаш ва унинг фаолиятини оптималлаштиришга имкон берадиган, айниқса, иқтисодиётдаги хавфли жараёнларнинг кутилмаган оғирлашуви шароитида комплекс ёндашув талаб этилади.

Замонавий илмий ва бизнес ҳамжамияти гаров таъминотини кредит хавфини камайтириш ва ҳимоя қилишнинг асосий воситаларидан бири сифатида тан олади. Мажбуриятларни таъминлашнинг ушбу усули Ўзбекистон банк тизимидаги кредит хатарларини тўсиш учун асосий воситалардан биридир. Бироқ, гаров қийматини баҳолаш, айниқса, бозорнинг юқори волатиллиги даврида кредит хавфини ўлчашдаги тўсиқдир. Шу сабабли, гаров билан ишлашнинг амалдаги амалиётини қайта кўриб чиқиш, шу жумладан мета ва замонавий кредитлаш жараёнидаги ролини таҳлил қилиш ва кредит хатарларини баҳолашнинг энг янги тизимини яратиш зарур. Юқорида таъкидланган жиҳатлар замонавий гаров механизмини таҳлил қилишда эмпирик ёндашувдан фойдаланишнинг долзарблигини кўрсатади.

### **Адабиётлар шарҳи**

Халқаро амалиётда кўплаб олимлар томонидан гаров механизми бўйича тадқиқотлар ўтказилган бўлиб, улар томонидан гаров механизми турли томондан тадқиқ қилинган. В.Ионнидоу, Н.Паянини, Й.Пенглар таъкидлашганки, “назарий адабиётлар қарз шартномаларидаги гаровнинг ижобий ва салбий томонларини ўрганади. Ижобий томони шундаки, гаров кредит бозорларида ассиметрик ахборот муаммосини камайтириш орқали қарз олувчиларнинг кредит олиш имкониятини оширади. Гаровнинг салбий томони эса қарз олувчиларнинг гаровга қўйилган активлардан фойдаланиши чекланиши мумкин”[1].

В.Маурин фикрича, “репозитномалари, своплар ёки деривативлар каби бир нечта гаров билан таъминланган молиявий шартномалар қарз берувчиларга битим давомида гаров сифатида фойдаланилган активга эгалик ҳуқуқини ўтказиш имконини беради” [2].

М.Волский ва М.Лэур кредит муносабатларида гаровнинг қўлланилишига эътибор қаратиб, куйидагиларни таъкидлаган. “Таъминланган кредитлар банк тизимида камроқ таъсир қилади. Қарздор қарзни тўламагандан сўнг кредитор гаровни олади, бу эса юзага келиши мумкин бўлган салбий таъсирларни камайтиради. Бироқ,

кафолатликредитлашфаолияти кўпжихатдангаровнингсифатиғахамбоғлик” [3].

Ж.Атта-Менсаҳ таъкидлашича, “гаровҳақида қарзолувчилар ва кредиторлар бир хил маълумотларга эга бўлсаю лекин фикрлари ва ёндашувлари турлича бўлса, бу жиҳатлар кредит музокараларида муҳим рол ўйнайди. Бундай шароитда гаров кредиторга кредитни молиялаштириш учун зарур бўлган лойиҳанинг рисклилиги ва истикболлари тўғрисида маълумот бера олади. Агар кредиторлар кафолатланган кредит даражаси лойиҳанинг рентабеллигидан далолат беради деб ҳисобласа, қарз олувчилар ўзларининг риск даражасидан келиб чиқиб гаров таъминоти тақдим этади” [4].

М.Ли ва М.Неян фикрича, “кўпгина бозорларда қарз олувчилар маблағ олиш учун гаров қўйишлари керак. Масалан, корпоратив облигациялар фирма активлари билан, секюритизация қилинган қарз инструментлари эса кредит пуллари билан таъминланган бўлади. Гаров орқали амалга ошириладиган келишувлар натижаси кўпинча асосий активлар сифати ҳақидаги ассиметрик маълумотлар билан боғлиқ бўлади” [5].

Ж.Жоу таъкидлайдики, “молия бозорлари иштирокчилари гаровнинг ҳақиқий сифатини эркин кузата олмайди ёки баҳолай олмайди. Улар гаров сифати ҳақида маълумот олиш учун ресурсларни сарфлашлари ёки ишончли бўлмаган маълумотларга асосланган қарорлар қабул қилишлари керак” [6].

Ўзбекистонлик тадқиқотчилар ҳам гаров механизмининг бугунги кундаги аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда гаров механизми бўйича тадқиқотлар ўтказишган. А.Норов гаров таъминотини шакллантиришдаги муаммоларга тўхталиб ўтган бўлиб, унинг фикрича, “мамлакатимизда инновацион корхоналарни молиявий таъминлаш тизими бўйича яхлит тасаввур ҳали шаклланмаган. Маблағи бор йирик корхоналар кичик инновация корхоналарининг лойиҳаларига қизиқиш билдирмаяптилар. Инноваторларнинг ўзлари ҳам кредит муддати кичиклиги, фоиз ставкаларининг юқорилиги ва гаров таъминотининг йўқлиги туфайли кредит маблағларини олмасликка ҳаракат қилади” [7]. Демак, баъзан қарз олувчилар гаров таъминотининг йўқлиги туфайли банклардан кредит ололмайди ва бу корхона фаолиятини ташкил этишда бир қатор муаммоларга сабаб бўлиши мумкин.

М.Мурадова эса “тижорат банклари мавжуд мижозларига жозибадор лизинг хизматларини тақдим этиш, яъни олинаётган лизинг объектини гаров сифатида қабул қилиниши кредит олишдан кўра самарали...” [8] эканлигини таъкидлаб ўтган.

Юқоридаги олимларнинг фикрларига қўшилган ҳолда айтишимиз мумкинки, гаров механизмининг самарали жорий этилиши кредит муносабатларида муҳим рол ўйнашни таъкидлашимиз лозим. Кредит муносабатларида гаровлардан фойдаланиш муаммоли кредитларни камайтиришга ҳамда кредит жараёнларини самарали ташкил этишга ёрдам беради.

### **Тадқиқот методологияси**

Мазкур мақолада замонавий гаров механизмининг эмпирик таҳлилини амалга оширишда қиёслаш, эмпирик таҳлил, индукция, дедукция, анализ ва синтез усулларидан фойдаланилган.

### **Таҳлил ва натижалар**


Гаров таъминоти механизми бўйича тўпланган тажрибани умумлаштириш ва Ўзбекистон банк амалиётидаги муаммоли масалаларни аниқлаш мақсадида маҳаллий йирик тижорат банклари томонидан гаров қийматини баҳолашнинг замонавий усуллари таҳлил қилинди. Ушбу тадқиқот эмпирик таҳлил воситаси асосида очиқ анкета орқали амалга оширилди.

Тадқиқотнинг асосий вазифалари қуйидаги фаразларни тасдиқлаш ёки рад этиш эканлигини таъкидлашимиз лозим:

- гаров таъминоти Ўзбекистон тижорат банклари учун айниқса бозорнинг юқори ўзгарувчанлиги даврида кредит мажбуриятларини таъминлаш учун муҳим восита ҳисобланади;
- Ўзбекистон тижорат банкларида гаровдан фойдаланиш самарадорлиги даражаси сезиларли фарқларга эга;
- қарз беришда гаровнинг роли кредит мажбуриятлари миқдорига тўғридан-тўғри мутаносибдир;
- гаров таъминоти мавжудлиги пасайиш тенденцияси шароитида кредитлаш ставкасининг ўзгаришига ҳисса қўшиши мумкин;
- қарз олувчининг юқори кредит рейтинги ва узоқ муддатли ижобий кредит тарихининг мавжудлиги гаров миқдори талабларига таъсир қилиши мумкин;
- кредит хатарларини баҳолашнинг илғор тизимини яратиш нуктаи назаридан Базел II, III нинг жорий этилиши, шу жумладан дефолт ҳолатида йўқотишлар миқдори (LGD)ни ҳисоблашда қарз олувчи ўз қарзини тўламаган тақдирда мумкин бўлган йўқотишларни камайтиришга ёрдам беради.

Ушбу эмпирик таҳлил учун ўз мамлакатимизда капиталлашув даражаси ва кредитга лаёқатлилиқ даражаси бўйича юқори рейтингга эга

бўлган йирик тижорат банкларига эътибор қаратилди. Ушбу ёндашувда мукамал IRB (Internal Ratings-Based Approach) ёндашувини амалга ошириш LGD (Loss Given Default)ни ҳисоблаш усуллари ва ёндашувларини мустақил равишда аниқлашга имкон беради, бу эса ўз навбатида гаров қийматини баҳолаш учун мавжуд усулларни қайта кўриб чиқиш заруриятини кўрсатади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкдан мукамал IRB ёндашувини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга рухсат олиш учун қатъий талабларга жавоб бериш керак бўлади. Шу сабабли ушбу тадқиқотнинг тўғрилиги учун респондентлар ушбу ёндашувни аллақачон қўллаган ёки яқин бир неча йил ичида уни амалга ошириш учун ҳақиқий имкониятга эга бўлган етакчи банклари бўлиши зарурлигини таъкидлашимиз лозим.



### 1-расм. Сўровномадаги саволларнинг блоклар кўринишидаги таркибий тузилиши<sup>1</sup>

Олиб борилган тадқиқот учун зарур бўлган маълумотлар очик сўровнома воситаси орқали тўпланди. Сўровнома 15 та очик ва ёпиқ саволлардан иборат эди. Сўровномада келтирилган саволларни шартли равишда икки блокга бўлиш мумкин (1-расм).

Ушбу эмпирик тадқиқотнинг асосий чекловлари қуйидагилардан иборат:

- тадқиқот натижалари асосан респондентнинг фикрига қараб субъектив бўлиши мумкин;
- тадқиқот натижалари мавжуд вазиятни тўлиқ акс эттирмаслиги мумкин, шу билан бирга, ушбу маълумотларнинг махфийлиги сабабли респондентларнинг жавобларини текшириш қийин;

<sup>1</sup>Муаллиф томонидан шакллантирилган

• қабул қилинган жавоблар гаров билан ишлашнинг энг яхши амалиётини акс эттириши шарт эмас.


Бироқ, ўтказилган эмпирик тадқиқотнинг чекланганлигига қарамай, бу йирик тижорат банкларининг гаровлар билан ишлаш амалиётини қиёсий таҳлил қилишга, мавжуд чекловларни аниқлашга ва келажақдаги ривожланиш тенденцияларини аниқлашга имкон беради. Қуйида тўпланган эмпирик тадқиқот натижаларига тўхталиб ўтамиз.

1. Респондентлардан ўзларининг амалий тажрибалари ва 0 дан 100% гача бўлган аҳамиятга эга бўлган банк статистикаси асосида корпоратив кредит бериш жараёнида гаровнинг аҳамиятини баҳолаш сўралди. Кейин натижалар учта тоифага ўтказилди: юқори аҳамиятга эга - 75 дан 100% гача, аҳамиятли - 50 дан 75% гача, паст аҳамиятга эга - 25 дан 50% гача, аҳамияtsiz - 0 дан 25% гача.

Респондентларнинг жавоблари гаровнинг барча тижорат банкларида ҳам шубҳасиз аҳамияти тўғрисида хулоса чиқаришга имкон беради. Бироқ, тахмин қилиш мумкинки, мамлакат иқтисодиётининг ривожланиш даражасидаги фарқлар ҳамда гаров механизмининг ҳуқуқий тартибга солиниши туфайли амалдаги амалиёт доирасида маҳаллий банклар учун қабул қилинадиган гаров ривожланган давлатлар банкларига қараганда муҳимроқ рол ўйнайди (респондентларнинг 80% ни алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар).


2. Респондентлардан ўзларининг амалиётларида ёпиқ рўйхатдаги ҳар хил турдаги кафолатлардан фойдаланиш частотасини аниқлашни сўрашди. Шу билан бирга, агар керак бўлса, сўровнома иштирокчилари томонидан рўйхатни мустақил равишда кенгайтириш мумкин эди. Респондентлардан гаров турларидан фойдаланиш частотасини 0 дан 100% гача бўлган шкала бўйича аниқлаш сўралган.

Тадқиқот доирасида ўтказилган сўровномада 24 та тижорат банклари қатнашди, уларга берилган саволларда тижорат банкларининг IRB методидан фойдаланиш даражаси аниқланган. Қуйидаги банклар ушбу сўровномада қатнашган. Агробанк, Миллий Банк, Ҳамкорбанк, Узмилийбанк АЖ, Капитал банк, Ипак йули, Ипотека банк, Ўзсаноатқурилишбанк, Ипотека банк, Халқ банки, Давр банк, Туркистонбанк, Ориент финанс банк, Микрокредитбанк, Савдогар банк, Қишлоқ қурилиш банк, Туронбанк, Асакабанк, Ziraat Bank Uzbekistan, Трастбанк, Алоқабанк, KDB Банк Ўзбекистон, Равнақ банк, Invest Finance Bank. Иштирокчи банклардан ўз тажрибасидан келиб чиққан ҳолда кредит беришда гаровнинг муҳимлилик даражасини белгилаш сўралди ва қуйидаги натижаларга эришилди (2-расм).



**2-расм. Иштирокчи банклар учун кредит беришда гаровнинг муҳимлилик даражаси<sup>2</sup>**

Кредит беришда бир қатор омиллар муҳим ҳисобланади, аммо уларнинг муҳимлик даражаси бўйича гаров таъминотларининг муҳимлик даражаси бўйича берилган саволга 87,5 фоиз қатнашчилар муҳимлилик даражасини 80-100% дея баҳолаган. 8,3 фоизиштирокчи 60-80% дея баҳолашини айтган бўлса, 4,2 фоизи муҳимлик даражасини 40-60% дея баҳолаган (2-расм).




**3-расм. Гаров таъминоти мавжудлигининг кредит фоиз ставкасини пасайтиришга таъсир даражаси<sup>3</sup>**

3-расмни таҳлил қиладиган бўлсак, 45,8 фоиз сўровнома қатнашчилари гаров таъминотининг мавжудлиги 1-1,5 фоизгачакредит фоиз ставкасинипасайтириши мумкинлигини таъкидлаган бўлса, 29,2 фоиз қатнашчилар 1 фоизгача пасайтириши мумкинлигини таъкидлаган. 16,7 фоиз қатнашчилар гаров таъминотининг мавжудлиги 0,5 фоизгача кредит фоиз

<sup>2</sup>Муаллиф томонидан ўтказилган сўровнома натижалари асосида шакллантирилган

<sup>3</sup>Муаллиф томонидан ўтказилган сўровнома натижалари асосида шакллантирилган

ставкасини пасайтириши мумкинлигини айтишган бўлса, фақатгина 8,3 фоиз қатнашчилар гаров таъминотининг мавжудлигини кредит фоиз ставкасини 1,5 фоиздан юқори даражада пасайтиришга сабаб бўлишини таъкидлаган.



#### 4-расм. Тижорат банкларида IRB методидан фойдаланган ҳолда рискни баҳолаш даражаси<sup>4</sup>

Тижорат банкларида IRB методидан фойдаланган ҳолда рискни баҳолаш даражасини ўрганиш асосида маълум бўлдики, сўровномада қатнашган жами 24 та банкнинг 21 таси (87,5 фоизи) ушбу методдан фойдаланган ҳолда баҳолашни амалга оширишини айтган, 2 таси қўлланилиш жараёнида эканлигини айтган ва фақат 1 таси ҳали қўлланмаганлигини таъкидлаган (4-расм).

#### 1-жадвал

#### Банкларнинг гаров таъминоти турлари бўйича муҳимлик даражаси<sup>5</sup>

№	Банк номи	Бино-иншоот	Кўчар мулк	Депозитлар	Келгусидаги фойда	Кафиллик	Фаолиятдаги бизнес	Қимматли қоғозлар	Тилла буюмлар
1.	Агробанк	100%	100%	100%	10%	10%	10%	10%	100%
2.	Миллий Банк	70%	70%	10%	10%	10%	80%	10%	10%
3.	Ҳамкорбанк	80%	10%	10%	10%	10%	10%	10%	10%
4.	Капитал банк	40%	70%	80%	10%	20%	10%	10%	10%
5.	Ипак йули	90%	90%	70%	50%	90%	20%	10%	50%
6.	Ипотека банк	30%	30%	20%	20%	30%	20%	10%	30%
7.	Ўзсаноатқурилишбанк	30%	20%	10%	10%	20%	10%	10%	10%
8.	Халқ банки	100%	90%	70%	50%	80%	10%	10%	30%
9.	Давр банк	100%	100%	100%	10%	90%	10%	20%	10%
10.	Туркистонбанк	50%	60%	50%	40%	30%	50%	60%	40%

<sup>4</sup>Муаллиф томонидан ўтказилган сўровнома натижалари асосида шакллантирилган

<sup>5</sup>Муаллиф томонидан ўтказилган сўровнома натижалари асосида шакллантирилган



11.	Ориент финанс	80%	80%	90%	70%	100%	60%	70%	60%
12.	Микрокредитбанк	100%	90%	100%	90%	100%	80%	70%	80%
13.	Савдогар банк	100%	100%	100%	70%	100%	40%	50%	80%
14.	Қишлоққурилишбанк	80%	70%	80%	60%	70%	80%	70%	80%
15.	Туронбанк	100%	90%	80%	80%	90%	100%	90%	80%
16.	Асакабанк	100%	90%	80%	70%	80%	90%	100%	80%
17.	Ziraat Bank Uzbekistan	40%	30%	40%	30%	40%	30%	40%	30%
18.	Трастбанк	70%	60%	50%	60%	70%	60%	50%	60%
19.	Алоқабанк	70%	60%	40%	60%	50%	60%	50%	60%
20.	KDB Банк Ўзбекистон	100%	100%	100%	90%	90%	90%	100%	90%
21.	Равнак банк	80%	90%	50%	40%	90%	20%	10%	30%
22.	Invest Finance Bank	70%	60%	50%	40%	60%	10%	20%	10%

Банклардаги гаровларнинг муҳимлилик даражаси инобатга олинган бўлса, натижалар турли хил банкларда турлича чиққанлигини кўришимиз мумкин (1-жадвал). Қизиқарли жиҳати шундаки, давлат улуши кўпроқ бўлган банкларда бино-иншоотнинг муҳимлилик даражаси, бошқа банкларга қараганда юқорироқ ҳисобланади. KDB Ўзбекистон, Асакабанк, Туронбанкларда қимматли қоғозларнинг муҳимлилик даражаси бошқа банкларга нисбатан юқори ҳисобланишини кўришимиз мумкин.

### Хулоса

Замонавий гаров механизмининг эмпирик таҳлилини ўрганиш орқали куйидаги хулосаларни келтиришимиз мумкин.

1. Баъзи бир банклар ҳанузгача IRBнинг асосий ёндашувидан фойдаланмоқдалар, бу уларнинг нисбатан кичик капиталлашуви, шунингдек, уларнинг фаолияти хусусияти билан изоҳланади, бу мураккаброқ ва ресурсларни талаб қиладиган ривожланган IRB ёндашувига ўтишни талаб қилмайди.

2. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, мамлакатда гаров қийматини баҳолаш, айниқса, бозорнинг юқори ўзгарувчанлиги даврида кредит рискин баҳолашда тўсиқ бўлиб хизмат қилади. Шу сабабли гаров таъминоти соҳасида мавжуд бўлган амалиётни қайта кўриб чиқиш, рискларни ҳимоялашнинг самарали тизимини яратишда муҳим омил ҳисобланади.

3. Ривожланган давлатларнинг гаров билан ишлаш амалиёти уларнинг Базел II, III стандартлари асосида гаровни баҳолаш тизимидан юқори даражада фойдаланиши тўғрисида хулоса чиқаришимизга имкон беради. Янги стандартларга ўтиш Ўзбекистон банкларининг амалдаги барча кредит сиёсатида, шу жумладан, гаров таъминоти соҳасида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш зарурлигини келтириб чиқаради.

4. Амалга оширилган тадқиқот Ўзбекистонда илғор ёндашувларни ҳисобга олган ҳолда гаров қийматини ўлчаш усуллариини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқишга ёрдам беришини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Vasso Ioannidou, Nicola Pavanini, Yushi Peng. Collateral and asymmetric information in lending markets. // Journal of Financial Economics, Volume 144, Issue 1, April 2022, Pages 93-121.

<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0304405X21005389>

2. Vincent Maurin. Asset scarcity and collateral rehypothecation. // Journal of Financial Intermediation, Volume 52, October 2022. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S1042957322000456>

3. Marcin Wolski, Michiel van de Leur. Interbank loans, collateral and modern monetary policy. // Journal of Economic Dynamics and Control, Volume 73, December 2016. - Pages 388-416. <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0165188916301592>

4. Joseph Atta-Mensah. The Role of Collateral in Credit Markets. // Journal of Mathematical Finance, №5, 2015. - Pages 315-327. <http://www.scirp.org/journal/jmf>

5. Michael Junho Lee, Daniel Neuhann. Collateral quality and intervention traps. // Journal of Financial Economics, Volume 147, Issue 1, January 2023, Pages 159-171.

6. Jing Zhou. Collateral quality and house prices. // Journal of Economic Dynamics and Control, Volume 145, December 2022.

7. Норов Акмал Рузимаатович. Инновацион лойиҳаларни молиялаштиришда тижорат банкларининг ролини ошириш. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” Илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2020 йил. – 6 б.

8. Мурадова М.Ю. Тижорат банкларининг лизинг операциялари ҳисобини такомиллаштириш. // “Молия ва банк иши” электрон илмий журнали, IV сон. июль - август, 2019. - 83 б.